



20<sup>20</sup> у «<sup>10</sup>» октябр

№ К-1566

«<sup>\_\_\_\_\_</sup>» 20<sup>\_\_\_\_\_</sup> г

Тумандаги “Imona Istamovna”  
боғдорчиликка ихтисослашган  
фермер хўжалигини ташкил  
этиш ва ижарага ер майдони  
ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 6, 53-моддаларига,  
Ўзбекистон Республикаси “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуннинг 6, 10,  
11-моддаларига мувофиқ, Ер участкалари бериш (реализация қилиш)  
масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясининг 2020 йил 27 июлдаги  
40-сонли йиғилиш баённомаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий  
давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6, 10, 25-моддаларига асосланиб

### **ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб  
чиқувчи туман комиссиясининг 2020 йил 27 июлдаги 40-сонли йиғилиш  
баённомаси тасдиқлансан.

2. Ўтказилган танлов якунига асосан ғолиб деб топилган Бўтаева  
Гулчехра бошлиқ “Imona Istamovna” боғдорчиликка ихтисослашган фермер  
хўжалиги ташкил этилсин ва унинг Низоми рўйхатга олинсин ҳамда  
Н.Мирзаев массиви “Янги авлод” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида  
хўжалик харитасида 435, 436, 438, 438а-дала контурларда жойлашган жами  
10,0 гектар, шундан 9,50 гектар боғ, 0,30 гектар ариқ, 0,20 гектар йўл, ер  
майдони 40 (кирқ) йил муддатга ижарага ажратиб берилсин.

3. Туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи в.в.б  
Х.Йўлдошевга туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритиш, фермер  
хўжалиги ва туман ҳокимлиги ўртасида ер участкасини узоқ муддатга  
ижарага олиш шартномасини расмийлаштириш вазифаси юклатилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 36-моддаси 10-банди  
талабига асосан қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун бериб қўйилган ер  
участкасидан бир йил мобайнида фойдаланилмаганида мазкур қарор бекор  
қилиниб, ер майдони қайтариб олиниши белгилаб қўйилсин.

5. Туман Давлат хизматлари маркази раҳбари Н.Мўминовга фермер  
хўжалигини Давлат рўйхатига олиш вазифаси юклатилсин.

6. Фермер хўжалиги раҳбарига ўз ҳохишига кўра тижорат банкларининг биридан ўзининг ҳисоб рақамини очиш тавсия этилсин.

7. Туман ҳокимлиги девонхона бўлими (Ш.Чориев)га мазкур “Imona Istamovna” боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжалигини ташкил этиш тўғрисидаги қарор нусхаларини тегишли ташкилотларга етказиш вазифаси юклатилсин.

8. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг Кишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Қ.Алматов зиммасига юклатилсин.

9. Мазкур қарорнинг тасдиги вилоят ҳокимлигидан сўралсин.

Туман ҳокими

Р.Гаппиров



TO'G'RI  
ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
SURXONDARYO VILOYAT  
QUMQOR'G'ON TUMAN  
HOKIMI UMUMIY  
BO'LIM MUDIR